

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/05.06.2020.ТІВ.102.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НЕЪМАТОВ ЎКТАМ СУЮНОВИЧ**

**БУРУН БЎШЛИҒИ ХАВФСИЗ ҚОН ТОМИР ҲОСИЛАЛАРИ  
ДИАГНОСТИКАСИ ВА ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.04 – Оториноларингология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2023

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Неъматов Ўктам Суюнович**

Бурун бўшлиғи хавфсиз қон томир

ҳосилалари диагностикаси ва даволаш усулларини

такомиллаштириш..... 3

**Неъматов Уктам Суюнович**

Усовершенствование диагностики

и лечения доброкачественных сосудистых

образований полости носа..... 29

**Nematov Uktam Suyunovich.**

Improvement of diagnostics and

treatment of benign vascular neoplasms

of nasal cavity..... 53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 56

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/05.06.2020.ТІВ.102.02  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НЕЪМАТОВ ЎКТАМ СУЮНОВИЧ**

**БУРУН БЎШЛИҒИ ХАВФСИЗ ҚОН ТОМИР ҲОСИЛАЛАРИНИ  
ДИАГНОСТИКАСИ ВА ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.04 – Оториноларингология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд– 2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2020.4.PhD/Tib1490 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.sammi.uz](http://www.sammi.uz)) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Лутфуллаев Ғайрат Умриллаевич</b> тиббиёт фанлари доктори, доцент
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Насретдинова Махзуна Тахсиновна</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор <b>Насыров Вадим Алиярович</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Абу али Ибни Сино номидаги Тожикистон Давлат Медицина Университети</b>

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc.04/05.06.2020.TIB.102.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140100, Самарқанд, Амир Темур кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99866) 233-30-34; e-mail: [ilmiyprorektori@sammi.uz](mailto:ilmiyprorektori@sammi.uz)).

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Самарқанд давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_-сон билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарқанд шаҳри, А.Темур кўчаси, 18-уй. Тел./факс: (+99866) 233-30-34.

Диссертация автореферати 2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ж.А. Ризаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Г.У. Самиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**М.Т. Насретдинова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт  
фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа фанлари доктори диссертациясига аннотация (PhD))**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Сўнги йилларда дунёнинг барча ривожланган мамлакатларида одамларда учрайдиган барча хавфсиз ҳосилалар орасида, қон томир ҳосилалари 1-7% ни ташкил қилиб, етакчи ўринлардан бирини эгаллаши аниқланмоқда. Ушбу ҳосилалар 60-80% ҳолларда бош соҳасидан ўрин эгаллайди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра «...гемангиомалар учун, бурун бўшлиғи ноодатий жойлашув ўрни саналсада, унинг барча ҳосилалар орасида улуши 2-3%ни, хавфсиз ҳосилалар орасида эса - 7% кўрсаткични ташкил этади...»<sup>1</sup>. Гемангиома барча ёш гуруҳларида учрайди, бунда бир неча чўққиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин: жумладан болалар ва ўсмирларда, репродуктив ёшдаги аёллар кўпроқ учраса, 40 ёшдан катта бўлган гуруҳда тенг тақсимланиш кузатилади. Гемангиомалар организмнинг деярли барча аъзо ва тўқималарини зарарлаши мумкин, аммо энг кўп ҳолларда тери, тери ости ёғ қавати, оғиз ва бурун бўшлиғи шиллиқ қаватлари ангиоматоз ҳосилаларнинг келиб чиқадиган жойи бўлиб саналади.

Жаҳонда, ушбу муаммони ҳал қилишга биринчилардан бўлиб уринганлардан бири Вирхов бўлиб, у 1863 йилда гемангиома ривожланишининг “фиссурал назария”сини илгари сурди. Ушбу назария, аксарият гемангиомалар юзнинг табиий тешиклари атрофи ва бўйин олдинги соҳаси терисини кўпроқ зарарлашига асосланган эди. Бу омил эса, бундай жойлашувга эга қон томир ҳосилалари - эмбриогенез аномалияси оқибатида ривожланади дея ҳисоблашга имкон берди.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, хусусан, гемангиомаларни ангиодисплазияларга эмас, балки ҳосилаларга тегишли деб ҳисоблашади. Муаллифлар илгари сурган назарияга кўра, гемангиомалар ҳақиқий ҳосилалар бўлиб, уларнинг ривожланиши ва ўсиши тўқимада мавжуд бўлган ва шубҳасиз, эмбрионал ривожланишни эрта босқичларида сақланиб қоладиган ангиоген элементларнинг (ангиобластлар, қон томир деворининг кам такомиллашган компонентлари) интенсив пролиферацияси билан боғлиқ. Гемангиомаларни микроскопик текшируви эндотелиал хужайраларнинг пролиферациясини кўрсатиб беради, айна вақтда қон томирлар ривожланиш нуқсонини эса яссиланган эндотелий билан изоҳланади. Кўпгина муаллифлар томонидан ҳосила хужайраларидаги юқори митотик фаоллик эътироф этилади, шу билан бирга гемангиомаларнинг спонтан регрессияси эҳтимоли ҳам қайд этилади, бу эса касалликнинг ҳосила табиатли эканлигига тўлиқ мос келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сонли «Янги Ўзбекистонни 2022-2026-йилларда ривожлантириш стратегияси тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил

---

<sup>1</sup> Mulliken, J. B., & Bischoff, J. (2013). Pathogenesis of infantile hemangioma. Vascular anomalies: hemangiomas and malformations, 2, 43-67.

7 декабрдаги ПФ-5590-сонли “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сонли “Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги вақтда аҳолининг ББХҚТХ муаммосига жуда кўп илмий изланишлар бағишланган. Ушбу тадқиқотларнинг кўпчилигида муаллифларнинг касалликнинг этиологияси ва патогенези ҳақидаги фикрлари бир-бирига мос келади ва диагностика усуллари ишлаб чиқилган ва ББХҚТХ билан касалланган беморларни даволаш ва реабилитация қилиш ёндашувлари ишлаб чиқилган [Лутфуллаев У.Л 2017; Антонив В.Ф 2015; Лутфуллаев Г.У 2018; Tamaki A 2017; Sillverberg S.G. 2012]. P. Laken гемангиомаларни ҳосила табиати тўғрисида ёзиб ўтиб, ангиомалар учун хос бўлган эндотелиал хужайралар пролиферацияси ушбу ҳосилаларни варикоз ва аневризмалардан фарқлаб туришини таъкидлайди. Ушбу фикрлар бир қатор муаллифлар томонидан қўллаб-қувватланади [Laken P.A., 2016, Smith C.J. 2017].

И.А.Талалаенко, К.Г.Селезневнинг фикрича, гемангиомаларнинг аксарият қисми гамартома типидagi ривожланиш нуқсони саналади ва унчалик кўп бўлмаган қисми ҳақиқий ҳосилалар – бластомаларга таалуқлидир, аммо муаллифлар шуни таъкидлашадики, ангиомаларда уларнинг келиб чиқишидан қатъий назар, қон томирларнинг ўсиши ва куртакланиш йўли билан янги шохларнинг шаклланиш ҳолати кузатилиши мумкин. Муаллифлар қон томирлардан келиб чиқувчи ҳақиқий ҳосилаларни, юқорида айтиб ўтилган ҳосиласифат ҳосилалардан қатъий ажратиш қийин деб ҳисоблашади ва уларни биргаликда кўриб чиқишни таклиф қилишади.

Лутфуллаев У.Л. (2017), Антонив В.Ф. (2015), Лутфуллаев Г.У. (2018) лар гемангиомаларни ангиодисплазияларга эмас, балки ҳосилаларга тегишли деб ҳисоблашади. Муаллифлар илгари сурган назарияга кўра, гемангиомалар ҳақиқий ҳосилалар бўлиб, уларнинг ривожланиши ва ўсиши тўқимада мавжуд бўлган ва шубҳасиз, эмбрионал ривожланишни эрта босқичларида сақланиб қоладиган ангиоген элементларнинг (ангиобластлар, қон томир деворининг кам такомиллашгна компонентлари) интенсив пролиферацияси билан боғлиқ. Гемангиомаларни микроскопик текшируви эндотелиал хужайраларнинг пролиферациясини кўрсатиб беради, айтилиши вақтда қон томирлар ривожланиш

нуқсони эса яссиланган эндотелий билан изоҳланади. Кўпгина муаллифлар томонидан ҳосила хужайраларидаги юқори митотик фаоллик эътироф этилади, шу билан бирга гемангиомаларнинг спонтан регрессияси эҳтимоли ҳам қайд этилади, бу эса касалликнинг ҳосила табиатли эканлигига тўлиқ мос келади [Tamaki A 2017; Sillverberg S.G. 2012].

Бугунги кунда бурун бўшлиғи гемангиомасини эрта ривожланиш босқичидаги белгилари етарлича ўрганилмаган; бошқа ҳосилаларни ўрганишда ўзини оқлаган қатор усулларнинг диагностик аҳамияти аниқланмаган; жарроҳлик даволаш учун аниқ шаклланган кўрсатмалар мавжуд эмас; ушбу ҳосилаларда терапевтик таъсирларни комбинирланган ва кўшма кўринишларда қўллаш имкониятлари ўрганилмаган.

Юқорида келтирилган маълумотлар ушбу тадқиқотнинг илмий ва амалий зарурлигини тасдиқлайди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режаларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университети амалий тадқиқот лойиҳасининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01980006703 “Диагностика, даволаш ва профилактиканинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш” (2019-2022 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** бурун бўшлиғи хавфсиз қон томир ҳосилалари бўлган беморларда, диагностикани такомиллаштириш ва комплекс даволаш самарадорлигини баҳолашдан иборат.

#### **Тадқиқот вазифалари:**

бурун бўшлиғининг гемангиомаси қайд этилган беморларда жарроҳлик йўли билан даволашдан олдин ва кейин эндоген интоксикация кўрсаткичлари ҳолатини баҳолаш;

жарроҳлик аралашувидан олдин ва кейин бурун шиллиқ қаватининг химоя функцияси, назал секретда гуморал иммунитет кўрсаткичларини баҳолаш;

жарроҳлик йўли билан даволашдан кейин Полидекса препарати ва арпабодиён эфир ёғини комплекс қўллаш самарадорлигини баҳолаш;

бурун бўшлиғини хавфсиз қон томир ҳосилалари билан оғриган беморларда касаллик қайталанишини олдини олиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида СамДТУ кўп тармоқли клиникасининг оториноларингология бўлимида бурун бўшлиғи хавфсиз қон томир ҳосилалари билан даволанган 18 ёшдан 72 ёшгача бўлган 73 нафар беморлар олинган

**Тадқиқотнинг предмети**ни умумий клиник, иммунологик, биокимёвий учун беморларнинг веноз қони, зардоби ва бурун секретини ташкил этган.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотда ЛОР аъзоларини текшириш, эндоскопик, биокимёвий, иммунологик, гистологик ва статистик текширув усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагиларни ўз ичига олади:

илк бор, бурун бўшлиғи ҳавфсиз қон томир ҳосилаларининг батафсил гистологик структураси ва организмда биохимиявий кўрсаткичларидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда эрта клиник белгилари аниқланган;

бурун бўшлиғи ҳавфсиз қон томир ҳосилалари бор беморлар қон плазмасида МДА ва ЎММ тўпланиши, МДА/КА нисбати ортиши, шунингдек каталаза фаоллиги ва оксил барқарорлиги коэффицентининг (ОБК) пасайиши натижасида юзага келган эндотоксикоз кўрсаткичларининг диагностика киймати аниқланган;

табiiй арпабодиён усимлиги эфир мойининг, клиник кўрсаткичлар ва эндотоксикоз кўрсаткичлари ҳолатига ижобii антикосидант таъсири аниқланган;

илк бор, бурун бўшлиғи ҳавфсиз қон томир ҳосилалари бор беморларда қон кетишни камайтириш ва қайталаниш кўрсаткичини пасайтириш мақсадида, Полидекса дори воситаси ҳамда маҳалий арпабодиён эфир мойини комплекс қўллашнинг самарадорлиги илмii исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагиларни ўз ичига олади:

бурун бўшлиғи ҳавфсиз қон томир ҳосилалари бўлган беморларда эндоген интоксикация кўрсаткичларини (МДА, КА, ЎММ) аниқлаш ва МДА/КА, ва шунингдек ОБК нисбатини аниқлаш керак.

бурун бўшлиғи ҳавфсиз қон томир ҳосилалари билан оғриган беморларни даволашда анъанавii даво фонида, ҳосила жаррохлик йўли билан олиб ташлангандан сўнг 10 кун давомида полидекса дори воситасини суткада 3 марта ҳар бир бурун катагига бир марта пуркаш тавсия этилган.

полидекса дори воситаси беморларга спрей кўринишида операциядан кейинги даврнинг дастлабки 5 кунда эндонал усулда кунига 5 марта ва кейинги 5 кунликда кунига 3 марта, умумii ҳисобда 10 кунлик даво курси билан тавсия этилган.

бурун бўшлиғи ҳавфсиз қон томир ҳосилалари билан оғриган беморларни даволашда анъанавii даво фонида, арпабодиён эфир мойини операциядан олдин 1 ҳафта мобайнида 3 томчидан 3 маҳал ва операциядан кейин 2 ҳафта мобайнида худди шу дозада эндонал усулда қўллаш тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.**

Тадқиқотда қўлланилган назарii ёндашувлар ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубii жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар сони танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник-лаборатор, асосида бурун бўшлиғи ҳавфсиз қон томир ҳосилалари мавжуд бўлган беморларни эрта ташхислаш ва даволашни такомиллаштиришга қаратилган чора тадбирларнинг ўзига ҳослиги ҳалқаро ҳамда маҳалли тажрибалар билан таққослангани, ҳулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

### **Тадқиқот натижаларни илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, бурун бўшлиғи хавфсиз қон томир ҳосилалари билан оғриган беморларда эрта клиник белгиларни аниқлаш ва эндоген интоксикация биохимиявий кўрсаткичларини белгилаб олиш, касалликни ўз вақтида аниқлаш ва даволаш, тиббий хизмат сифатини яхшилаш имконини беради. Амалий медицинада бурун бўшлиғи хавфсиз қон томир ҳосилаларини даволаш учун, комплекс даво усули тавсия этилди.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти, бурун бўшлиғи хавфсиз қон томир ҳосилаларини комплекс даволашда, полидекса дори воситаси ва арпабодиён эфир мойини қўллаш бўйича кўрсатмалар ишлаб чиқиш билан изохланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бурун бўшлиғи хавфсиз қон томир ҳосилалари билан оғриган беморларда диагностика ва даволашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Бурун бўшлиғи хавфсиз қон томир ҳосилалари диагностикасига янгича ёндошувлар бўйича услубий тавсиянома тасдиқланди «Бурун бўшлиғи гемангоималари диагностикаси» (соғлиқни сақлаш Вазирлиги томонидан тасдиқланган № 8н-р/600 от 09.06.2022й). Ушбу тавсиянома бурун бўшлиғи хавфсиз ҳосилаларини диагностика қилиш имконини беради;

Услубий тавсиянома тасдиқланди «Бурун бўшлиғи гемангоималарини даволаш» (соғлиқни сақлаш Вазирлиги томонидан тасдиқланган №8н-р/1036 от 01.11.2021й). Ушбу тавсиянома бурун бўшлиғи гемангоималари бўлган беморларни самарали даволаш имконини беради;

Бурун бўшлиғи хавфсиз қон томир ҳосилалари билан оғриган беморларда ўтказилган ўзига хос клиника-биёкимёвий, цитологик ва инструментал илмий текширув натижалари Навоий вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази, Ургут туман тиббиёт бирлашмаси ҳамда СамДТУ кўп тармоқли клиникаси амалиётига тадбиқ этилди (ССВ маълумотномаси 10 август 2022й № 8н-р/415). Тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ этилиши бурун бўшлиғи, бурун ён бўшлиқлари хавфсиз қон томир ҳосилалари диагностикасини мақбуллаштириш, беморларни стационарда бўлиш муддатларини қисқартириш, шунингдек беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берди.

**Тадқиқот натижаларини апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларини нашр этиш.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш нашр этилган, шу жумладан 11 та мақола, улардан 5 та республика ва 6 та халқаро журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда эълон қилинган. **Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилингани тўғрисида, шунингдек, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари, шунингдек хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил баён этилган. Бурун бўшлиғи хавфсиз қон томир ҳосилалари этиологиясининг замонавий жиҳатлари келтириб ўтилди, тадқиқот натижаларига кўра касалликнинг диагностикаси ва давоси бўйича маълумотлар таҳлили ўтказилди. Бурун бўшлиғи хавфсиз қон томир ҳосилаларига бағишланган илмий тадқиқот ишлари қанчалик кўп эканлигига қарамасдан, унинг диагностикаси ва давоси масалалари бўйича ҳанузгача кўплаб ноаниқликлар мавжуд. Бурун бўшлиғи хавфсиз ҳосилалари диагностикаси, профилактикаси ва давоси бўйича асосланган тактика мавжуд эмас.

Ҳозирги вақтда касалликни эрта диагностика усуллари, шунингдек комплекс даво усуллари устида жадал изланишлар олиб борилмоқда. Шу муносабат билан ушбу касаллик билан оғриган беморларда эндоген интоксикация хусусиятларини ўрганиш эътиборга молик саналади.

Диссертациянинг “**Беморларнинг клиник тавсифи, қўлланилган тадқиқот усуллари**” деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объекти, қўйилган вазифалар ечимини таъминловчи усул ва услубий ёндашувлар ёритилган. 2014 йилдан 2021 йилгача Самарқанд давлат тиббиёт университети куп тармоқли клиникаси оториноларингология бўлимига мурожаат қилиб келган 73 нафар бурун бўшлиғи хавфсиз қон томир ҳосилалари оғриган беморларни текширув ва комплекс даволаш натижалари, ва шунингдек 20 нафар амалий жиҳатдан соғлом бўлган кишилар - илмий-тадқиқот ишининг асосини ташкил этди.

Қўлланилган даво усулига кўра, бурун бўшлиғи хавфсиз қон томир ҳосилалари билан оғриган беморлар 3 гуруҳга ажратилди:

Асосий А гуруҳ – анъанавий даво фонида полидекса дори воситаси қабул қилган беморлар (25 нафар бемор);

Асосий Б гуруҳ – анъанавий даво фонида арпабодиён эфир мойи ва полидекса препарати қабул қилган беморлар (28 нафар бемор).

Қиесий гуруҳ – анъанавий даво (АД) қабул қилганлар (20 нафар бемор);

АД гуруҳи - ҳосила жаррохлик йўли билан олиб ташланган беморларни ўз ичига олди.

Эндоскопик усуллар ташқи кўрик, ЛОР аъзолари пальпацияси, отоскопия, олдинги ва орқа риноскопия, орофарингоскопия, билвосита

ларингоскопия, "Olimpus" фирмасининг BF3C3 фиброскопи ёрдамида бурун бўшлиғи ва бурун-халқум фиброэндоскопияси усулларини ўз ичига олди. Бурун бўшлиғи кўриги уни зондлаш усули билан тўлдирилиб, унинг ёрдамида ҳосила ўлчамлари ва консистенцияси, атроф тўқималар билан ўзаро муносабати тўғрисидаги қимматли маълумотлар олиш имкони юзага келди.

Функционал текширув усуллари ёрдамида қуйидагилар баҳоланди:

- В.И. Воячек ва ринопневмометр билан бажариладиган Л.Б. Дайняк ва Н.С. Мельникованинг ринопневмометрия усули ёрдамида бурунни нафас функцияси ва бурун ўтказувчанлиги бузилиши даражаси

Лаборатор текширувлар қон ва сийдик умумий таҳлили, коагулограмма, қондаги қанд, АЛТ, АСТ, умумий билирубин миқдорини аниқлаш кабиларни ўз ичига олди ва терапевт, анестезиолог кўриклари ўтказилди.

Олинган натижаларни қайта ишлаш, Windows 10 операцион тизими учун яратилган 3.6.2 версиядаги R studio замонавий статистик дастурий таъминоти ёрдамида,  $p < 0,05$  ишончлилик даражасида амалга оширилди.

### 1.1-жадвал

#### Текширилаётган касалликларни бурун бўшлиғи томонидан клиник белгилари

Белги	Умумий гуруҳ N=73 n (%)	А-гуруҳ N=25 n (%)	Б-гуруҳ N=28 n (%)	Қиёсий гуруҳ N=20 n (%)
<b>Бурун томонидан кузатиладиган белгилар</b>				
Бурундан қон кетиши:				
- олдинги	53 (72,6%)	16 (64,5%)	19 (67,8%)	13 (65,0%)
- орқа	7 (9,6%)	3 (12,5%) *	3 (10,7%)	2 (10,0%) *
- уларни комбинацияси	13 (17,8%)	6 (24,0%)	6 (21,4%)	5 (25,0%)
- бир томонлама	73 (100%)	25 (100%)	28 (100%)	20 (100%) *
Бурун орқали нафас олиш бузилиши:				
- бир томонлама	66 (90,0%)	22 (88,0%)	25 (89,3%)	17 (85,0%)
- икки томонлама	7 (10,0%)	3 (12,0%)	3 (10,7%)*	3 (15,0%)
Бурундан ажралма:				
- йирингли	15 (20,5%)	3 (12,0%)	3 (10,7%)	1 (5,0%) *
-гўшт ювиндисисимон	17 (23,3%)	2 (8,0%)	6 (21,4%)	3 (15,0%)
- олдинги	12 (16,4%)	7 (28,0%)	5 (17,8%)	8 (40,0%)
- орқа	7 (9,6%)	1 (4,0%)	2 (7,14%)	1 (5,0%)
- бир томонлама	19 (26,0%) *	11 (44,0%) *	11 (39,3%)	6 (30,0%)
- икки томонлама	3 (4,1%)	1 (4,0%)	1 (3,6%)	1 (5,0%)
Ёпиқ манқалик	<b>6 (8,2%)</b>	<b>2 (8,0%)</b>	<b>1 (3,6%)</b>	<b>3 (15,0%)</b>
Ҳид билиш бузилиши				
- бир томонлама	27 (61,4%)	9 (64,3%)	8 (57,1%)	10 (62,5%)
- икки томонлама	17 (38,6%)	5 (35,7%)	6 (42,9%)	6 (37,5%)
<i>Эслатма: *-<math>p &lt; 0,05</math></i>				

Диссертациянинг «Бурун бўшлиғи хавфсиз қон томир ҳосилаларининг клиник характеристикаси» деб номланган учинчи бобида бурун бўшлиғи хавфсиз қон томир ҳосилалари клиник белгилари

келтириб ўтилган. Бурун бўшлиғи хавфсиз қон томир ҳосилаларини клиник кечиши ва диагностикасига оид маълумотлар келтирилади, учинчи кичик бўлимда эса эндоген интоксикация кўрсаткичлари ва уларнинг диагностик аҳамияти муҳокама этилган.

ББҲҚҲ клиник белгилари орасида энг эрта ва кўп кузатилгани - бурундан қон кетиши бўлиб, 71 нафар беморда (97 %) кузатилди, ва у барча ҳолатларда бир томонлама бўлди ва ББҲҚҲ жойлашув томони билан мос келди. Кўпроқ ташқарига қонаш (63,4 %), кам ҳолларда эса (14,0%) бурун-халқумга қонаш аниқланди. 20,4% ҳолларда эса иккала вариантни комбинацияси кузатилди. Беморлар гуруҳига кўра, бурун бўшлиғи хавфсиз қон томир ҳосилаларида, бурун бўшлиғи томонидан кузатиладиган клиник белгиларни учраш даражаси 1.1-жадвалда келтириб ўтилган. Бурун орқали нафас олиш бузилиши, учраш кўрсаткичи бўйича иккинчи ўринни эгаллайди – 61 нафар беморда (83,5%). Барча беморларда бурун орқали нафас олиш қийинлиги ҳосила жойлашган томонга тўғри келди ва фақат 10,0% ҳолларда ушбу белги бурун бўшлиғининг қарама-қарши томонида ҳам кузатилди. Ринопневмометрия маълумотлари асосида I даражали бурун орқали нафас олиш қийинлиги - 18,3%, II даражали бурун орқали нафас олиш қийинлиги - 34,4%, III даражали бурун орқали нафас олиш қийинлиги эса - 49,5% беморда аниқланди. Иккинчи бурун бўшлиғи томондан I даражали бурун орқали нафас олиш қийинлиги - 8,6%, II даражали бурун орқали нафас олиш қийинлиги -12,9%, III даражали бурун орқали нафас олиш қийинлиги эса -15,1% беморларда кузатилди.

## 1.2-жадвал

### Текширилаётган касалликларни қўшни аъзолар томонидан клиник белгилари

Белги	Умумий гуруҳ N=73 n(%)	A-гуруҳ N=25 n(%)	Б-гуруҳ N=28 n(%)	Қиёсий гуруҳ N=20 n(%)
Эшитиш бузилиши: - бир томонлама - икки томонлама	19 (20.4 %) 9 (9.7 %)	5 (16.7 %) 3 (10.0%)	6 (20.0 %) 3 (10.0 %)	8 (24.2 %) 3 (9.1 %)
Қулоқда шовқин: - бир томонлама - икки томонлама	12 (12.9%) 7 (7.5%)	3 (10.0 %) 3 (10.0%)	4 (13.3 %) 2 (6.7 %)	5 (15.2 %) 2 (6.1 %)
Қулоқ битиши: - бир томонлама - икки томонлама	10 (10.8%) 4 (4.3 %)	3 (10.0%) 1 (3.3%)	3 (10.0%) 1 (3.3%)	4 (12.1%) 2 (6.1%)
Бош оғриғи	38 (40.9 %)	12 (40.0 %)	13 (43.3 %)	13 (39.4 %)
Бурун ён бўшлиқлари проекциясидаги оғриқ: - бир томонлама - икки томонлама	14 (15.1 %) 5 (5.4%)	4 (13.3 %) 2 (6.7 %)	5 (16.7 %) 1 (3.3 %)	5 (15.2 %) 2 (6.1 %)
Кўз косаси проекциясидаги оғриқ: - бир томонлама - икки томонлама	5 (5.4 %) 4 (4.3 %)	2 (6.7 %) 1 (3.3 %)	2 (6.7 %) 1 (3.3 %)	1 (3.0 %) 2 (6.1 %)
Томоқда оғриқ	5 (5.4 %)	2 (6.7 %)	2 (6.7 %)	1 (3.0 %)
<b>Эслатма:</b> *- $p < 0.05$ .				

Бурун томонидан кузатиладиган клиник аломатлардан ташқари, касалликни кўшни аъзолар томонидан ҳам юзага келадиган белгилари кузатилади. Ушбу симптомлар одатда бурундаги ўсувчи ҳосила ҳисобига, у томондан бурун ён бўшлиқлари табиий тешиклари ва айрим ҳолларда, хоаналар ва эшитув найлари тешикларини беркилиши туфайли юзага келади. Бурун бўшлиғи нормал аэрацияси ва лимфа оқими бузилади. Бу бурун бўшлиғида шиллик ва бурун ажралмалари тўпланиб қолишига ва қулоқ фаолмятидаги бузилишларга олиб келади. Бурун орқали нафас олиш билан боғлиқ аксарият муаммолар, дастлабки босқичларда бир томонлама бўлади. Кейинчалик, ҳосилани ўсиб бориши баробарида, улар икки томонлама характер касб этади (1.2 жадвал).

Орқа риноскопия текшируви, 18 (24,6 %) нафар беморда бурун чиганоқлари орқа охирлари гипертрофияси, шунингдек хоаналар (8,6%) ва 5 (6,8 %) нафар беморда бурун-халқум асоси ён деворини, халқум тешиклари билан биргаликда беркилганлигини кўрсатиб берди. Беморларнинг 17 (23,2 %) нафарида, ажралмани бурун-халқум гумбазида тўпланиши ва халқум орқа девори бўйлаб оқиб тушиши кузатилди.

Барча 73 нафар текширилувчиларда бурун ва бурун ён бўшлиқлари рентгенографияси текшируви ўтказилди. Рентген тасвирда 71 (97,2 %) беморда, бурун ён бўшлиқлари пневматизациясининг пасайиши ва патологик субстрат мавжудлиги аниқланди. Бурун бўшлиғи хавфсиз қон томир ҳосилалари билан оғриган барча 73 (100%) нафар беморда, даволашгача ва ундан кейин назал эндоскопия амалга оширилди. Бурун бўшлиғи хавфсиз қон томир ҳосилалари билан оғриган 72 (98,6 %) нафар беморда МСКТ, 46 (63 %) нафар беморда эса – бош мия МРТ текшируви ўтказилди. Барча ҳолатларда диагноз МСКТ ва МРТ текширувлари ёрдамида текширилди (1.3-жадвал).

### 1.3-жадвал

#### Турли текширув усуллариининг информацион аҳамияти

№	Диагностика усули	Информативлик	Прогностик аҳамияти
1.	Бемор шикоятларини баҳолаш	Ўртача	75.2%
2.	Анамнез маълумотлари	Ўртача	77,4%
3.	Олдинги ва орқа риноскопия	Ўртача	81.6%
3.	Эндоскопия	Юқори	89.1%
4.	Умумий рентгенография	Ўртача	76.3%
5.	МСКТ	Юқори	97.2%
6.	МРТ	Юқори	97.8%

Жадвал маълумотларидан хулоса қилиш мумкинки, бурун бўшлиғи гемангиомаси диагностикасида, бурун бўшлиғи эндоскопияси, МСКТ ва МРТ текширувлари бирмунча информатив усуллардан саналади.

Бироқ, девор олди бўйлаб ўсаётган унча катта бўлмаган ҳосилани пайқаш учун катта тажриба ва маҳорат талаб этилади. Бизнинг кузатувларимиз таҳлили шуни кўрсатдики, ЛОР врачга биринчи марта муурожаат қилган беморларнинг фақат 29 (39,7 %) нафарида, ҳосила олдинги риноскопия текшируви орқали аниқланди. Ҳосила тўқимаси бурун бўшлиғи тубининг орқа қисмида жойлашган ва маълум ҳажмга етган ҳолларда, орқа риноскопияни ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади. Орқа риноскопиянинг муваффақиятсизлигини кучли халқум рефлекси, бурун-халқум олдинги-орқа

ўлчамларининг қисқалиги, шунингдек ушбу анатомик соҳанинг кўплаб ўзига хослик ва мураккабликлари билан тушунтириш мумкин (гумбаз, орқа ва Розенмюллер чуқурчасига эга ён деворлар, най ёстикчалари, эшитув найи тешиклари, хоана ва суякчалар).

Бурун бўшлиғи ҳолатини текшириш ва патологик жараён турини аниқлаш учун, барча беморларда фиброэндоскопиядан фойдаланилди. Беморларда куйидаги ўзгаришлар аниқланди: ҳосила силлиқ ёки катта бўғинли юзага эга эканлиги (1.4-жадвал). Фиброэндоскопия текширувида ҳосилани бурун бўшлиғи бўйлаб тарқалиш соҳаси синчковлик билан кўриб чиқилди. Шундай қилиб, беморларни 51 (69,8 %) нафарида ҳосила бутун бурун бўшлиғини эгаллаб олганлиги, 15 (20,5 %) нафарида гумбаз ва ён деворни эгаллаган ҳолда қисман орқа деворга тарқалганлиги, 7 (9,5 %) нафарида эса ҳосила ён девордан мос томондаги хоана ва юмшоқ танглайга (орқа юзасига) ўтганлиги кузатилди.

#### 1.4-жадвал

#### Бурун бўшлиғи хавфсиз ҳосилаларида эндоскопик текширув натижалари

Ҳосиллага хос ўзгаришларнинг характеристикаси	Абсолют кўрсаткич N=73 n (%)	Асосий А гуруҳ N=25 n (%)	Асосий Б гуруҳ N=28 n (%)	Қиёсий гуруҳ N=20 n(%)
<b>Гемангиома</b>	26 (35,6 %)	8 (32,0 %)	10 (35,7 %)	8 (40,0 %)
Йирик бўғинли юза	15 (20,5%)	5 (20,0%)	6 (21,4%)	5 (25,0%)
Силлиқ юза	11 (15,1%)	3 (12,0%)	4 (14,3%)	3 (15,0%)
<b>Қоновчи полип</b>	47 (64,4,%)	17 (68,0%)	18 (64,3%)	12(60,0%)
Силлиқ юза	26 (35,3%)	8(32,0%)	8(28,3%)	7 (35,0%)
Дағал юза	21 (28,7%)	9 (38,0%)	10 (35,7%)	5 (25,0%)
<i>Эслатма: *-p&lt;0.05,</i>				

Текширилган 73 бемордан 70 нафарида МСКТ текшируви натижалари, бурун бўшлиғи фиброэндоскопияси, жаррохлик хулосаси ва гистологик текширув натижалари билан тўлиқ мос келди, бу эса усулнинг диагностик аниқлигини кўрсатиб беради - 97,2%.

Текширилган 46 бемордан 45 нафарида МРТ текшируви натижалари, бурун бўшлиғи фиброэндоскопияси, жаррохлик хулосаси ва гистологик текширув натижалари билан тўлиқ мос келди; битта ҳолатда натижалар мос келмаслиги кузатилди, бу эса диагностик усулнинг аниқлигини - 97,8% эканлигидан далолат беради. КТ ва МРТ текширувларда диагноздаги фарқланишлар, ҳосила тўқимасини бурун-халқум муртаги гиперплазиядан фарқлаш имконсизлиги билан боғлиқ.

Бизнинг фикримизча, бурун бўшлиғи хавфсиз қон томир ҳосилаларини диагностика қилиш ва ушбу соҳа ҳосилаларини дифференциал диагностика қилишда, битта эмас, бир нечта усулларни қўллаш, уларнинг ҳар бирини алоҳида ва барчасини бир бутун информативлигини оширади.

Биз бурун бўшлиғи хавфсиз қон томир ҳосилаларини диагностика қилиш ва ушбу соҳа ҳосилаларини дифференциал диагностика қилишда қайсидир битта – текшириш усулидан эмас, балки усуллар мажмуасидан фойдаланиш

керак деб ҳисоблаймиз, чунки бу уларнинг ҳар бирини алоҳида ва барчасини бир бутун информативлигини оширади.

1. Энг асосий эрта ЛОР белгилар - бурун бўшлиғида ёт жисм сезиш, бурун орқали нафас олишда ноқулайлик, шунингдек тез-тез бурун қонаши саналади. Муайян нозологик бирликни даволаш натижасида, юқорида кўрсатиб ўтилган белгилар бўйича ижобий динамика кузатилмаса, беморлар тўлиқ ва мақсадли текширувларга муҳтож бўлади.

2. Ушбу жойлашувга эга ҳосилалар, асосан жараёни тарқалишида, ўртача ҳисобда биринчи клиник белгилар пайдо бўлган вақтдан то беморни шифохонага ётқизилишигача ўртача  $4,1 \pm 1,6$  ой ўтиб диагностика қилинади.

3. Агар врач олдинги риноскопия текширувида бурун бўшлиғидаги патологик жараёни аниқлай олмаса ва юқорида кўрсатиб ўтилган барча белгилар динамикада кузатилмаса, орқа риноскопия ва бармоқ билан текширув тавсия этилади. Ассиметрия мавжудлиги ва бармоқ охирида қон пайдо бўлиши, хавфсиз ҳосила мавжудлиги тўғрисида фикр юритиш учун туртки бўлади.

4. Фиброэндоскопик текширув, бурун бўшлиғи хавфсиз ҳосилаларини эрта шакллари ва уларнинг келиб чиқиш жойини аниқлаш учун энг мақбул усул саналади.

5. Рентгенологик текширув усулларида - мультиспирал компьютер томография имкониятлари одатдаги нурли тадқиқот усуллари билан солиштирилганда юқори ўринларни эгаллайди, чунки у ҳосиланинг нафақат экзофит қисмини аниқлаш, балки унинг атроф тўқималар ва мия асосига эндофит тарқалганлигини аниқлаш, шунингдек ушбу жойлашувга эга хавфсиз ҳосилалардан фарқлаш имконини беради.

*Бурун бўшлиғи хавфсиз ҳосилаларининг клиникаси ва диагностикаси*

Бурун бўшлиғи хавфсиз қон томир ҳосилалари билан оғриган 73 нафар бемор текширилди. ББХҚХ билан оғриган беморлар ёши 18 ёшдан 72 ёшгача ораликда бўлиб, ўртача  $46,3 \pm 4,7$  ёшни ташкил этди.

#### 1.5-жадвал

Ҳосила	Бурун тўсиғи			Бурун ён девори (бурун чиғаноқлари)		
	Олдинги қисм	Ўрта қисм	Орқа қисм	Пастки	Ўрта	Туби
<b>Гемангиома (26)</b>				-	-	-
Капилляр	12 (46.1%)	3 (11.5 %)	1 (3.84%)			
Каверноз		2(7.6%)		5 (19.2%)	-	-
Аралаш	1(3.8%)	1(3.8%)		1(3.8%)		-
<b>Қоновчи полип (47)</b>	35 (74.5%)	11 (23.4%)	1 (2.1%)	-	-	-
<b>Жами(73)</b>	48 (65.7%)	17 (22%)	2 (2.7%)	6 (8.2%)		

Гистологик тузилишини ҳисобга олган ҳолда ББХҚХ куйидаги шакллари аниқланди: капилляр гемангиома 16 (61.5%), каверноз гемангиома 7 (26.9 %), аралаш 3 (11,5 %).

Ҳосилани бурун бўшлиғи турли анатомик тузилмаларидан ўсиб чиқиши таҳлил қилинганда аниқландики: бурун тўсиғидан – 76,7%, бурун латерал деворидан - 0%, бурун чиганоқларидан – 23,3 %, бурун бўшлиғи тубидан – 0% ҳолатда аниқланди (1.5-жадвал).

Ҳосиланинг даражасига қараб беморлар тақсимланиши 1.6-жадвалда келтирилган. Беморларни тиббий ёрдамга мурожаат қилиш вақти ўртача 4,1+1,6 ойни ташкил қилди.

### 1.6-жадвал

#### ББҲҚЎ билан оғриган беморларни ҳосила босқичига кўра тақсимланиши

Босқичи	Жами	Гемангиома			P-кўрсаткич
		Капилляр	Каверноз	Аралаш	
I босқич	4 (15,3%)	2 (7,7%)	1 (3,8%)	1 (3,8%)	$p^1 > 0.05$ $p^2 > 0.05$
II босқич	18 (69,4%)	12 (46,4%)	5 (19,2%)	1 (3,8%)	$p^1 > 0.05$ $p^2 < 0.05$
III босқич	4(15,3%)	2 (7,7%)	1 (3,8%)	1 (3,8%)	$p^1 > 0.05$ $p^2 > 0.05$
IV босқич	-	-	-	-	NA
Жами	26 (100%)	16 (61,5%)	7 (27,0%)	3 (11,5%)	$p^1 > 0.05$ $p^2 < 0.05$

*Эслатма: капилляр гемангиома билан бўлган беморлар гуруҳи статистик таққослаш гуруҳи саналади.*

Диагноздан келиб чиққан ҳолда, турли воситалар ва даволаш усуллари тавсия этилди. Диагноزلарни кенг хилма-хилликка эга эканлиги, касаллик кечувидаги кўп сонли ўзига хосликлардан, ёки врачларни етарлича онкологик хушёрликка эга эмаслигидан далолат беради. Ҳосила жараёни босқичига кўра беморларни тақсимланиши 1.6-жадвалда келтирилган. Шундай қилиб, касалликни I босқичи 4 (15,3%) нафар беморда кузатилди, текширилганларнинг энг катта қисмида жараённинг II босқичи аниқланди -18 – (69,4%), III 4(15%), нафар беморда кузатилди.

#### **Эндоген интоксикация кўрсаткичлари ва уларнинг диагностик аҳамияти**

Ўтказилган биохимиявий текширув натижаларига кўра аниқландики, ЛПЮ жараёни иккиламчи маҳсулоти – МДА кўрсаткичи назорат гуруҳи билан солиштирилганда 1,86 мартага ортганлиги, шу билан бирга антиоксидант ҳимоя тизимининг асосий ферментларидан бири саналувчи каталаза фаоллигини (КФ) 3,15 мартага камайганлиги қайд этилди (нормада - 0,87, қайд этилди - 0,28).

Бурун бўшлиғи хавфсиз қон томир ҳосилалари билан оғриган беморларда эндоген интоксикацияни тавсифлаб берувчи, олинган натижалар 1.7 – 1.8 – жадвалда келтирилган.

## 1.7-жадвал

### Бурун бўшлиғи хавфсиз қон томир ҳосилалари билан оғриган беморларда, мурожаат қилиб келган вақтдаги эндоген интоксикация кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Назорат, (n =20)	Умумий гуруҳ N=73 n (%)
МДА, мкмоль/л	3,50±0,25	6,52±0,57*
КА, мккат/сек·л	0,87±0,13	0,28±0,06*
ЎВМ <sub>254</sub> , ш.б.	0,23±0,09	0,53±0,06*
ЎВМ <sub>280</sub> , ш.б	0,29±0,05	0,46±0,05*
ОБК, у.е.	1,18±0,14	0,89±0,04*
МДА/КА нисбати, ш.б.	3,89±0,13	23,9±5,2*
<i>Эслатма: *-статистик аҳамиятли фарқланиш.</i>		

Умумий ва назорат гуруҳи кўрсаткичлари қиёсий таҳлил қилинганда, МДА/КА нисбатини 6 мартага (23,9) ортганлиги аниқланди, бу эса ўз навбатида ББХҚХ билан оғриган беморларда эркин радикалли оксидланишни сезиларли ортганлигини кўрсатиб беради. Шунингдек қон плазмасида ЎММ тўпланиши кузатилди, яъни назорат кўрсаткичларга нисбатан ЎММ<sub>254</sub> - 112,5% (0,53)га, ЎММ<sub>280</sub> эса – 60,7% (0,46) га ортди. Бунда оқсил барқарорлик коэффиценти (ОБК) назорат кўрсаткични (1,172), бор-йўғи 75,9 % (0,892) ни ташкил этди.

## 1.8-жадвал

### Бурун бўшлиғи хавфсиз қон томир ҳосилалари билан оғриган, текширилаётган кичик гуруҳдаги беморларда, мурожаат қилиб келган вақтдаги эндоген интоксикация кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Назорат, (n =20)	А-гуруҳ N=25	Б -гуруҳ N=28	Қиёсий гуруҳ N=20
МДА, мкмоль/л	3,49±0,054	6,49±0,51*	6,54±1,42*	6,51±0,40*
КА, мккат/сек·л	0,87±0,065	0,27±0,06*	0,26±0,06*	0,29±0,03*
ЎВМ <sub>254</sub> , ш.б.	0,23±0,090	0,50±0,06*	0,59±0,12*	0,53±0,06*
ЎВМ <sub>280</sub> , ш.б	0,29±0,018	0,43±0,05*	0,51±0,08*	0,46±0,05*
ОБК, у.е.	1,18±0,059	0,84±0,04*	0,89±0,18*	0,91±0,03*
МДА/КА нисбати, ш.б.	3,89±0,103	23,2±5,2*	24,7±4,2*	23,9±4,2*
<i>Эслатма: Назорат гуруҳи билан солиштирилганда барча гуруҳларда статистик аҳамиятли фарқланиш аниқланди. Асосий гуруҳлар ўртасида статистик аҳамиятли фарқланиш аниқланмади.</i>				

Олинган маълумотларни ББХҚХ билан оғриган беморлар диагностикасида қўшимча мезон сифатида фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари, юқорида санаб ўтилган омиллардан, даволашни илмий-асосланган усуллари ишлаб чиқишда ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шундай қилиб, ББХҚХ билан оғриган беморлар аҳволи бош оғриғи, бурундан қон кетиши, нафас олиш ва ҳид билишни бузилиши, бурунда ёт жисм сезгиси, организмни умумий интоксикацияси, эндоген интоксикацияни

якқол кўрсаткичлари, яъни МДА, ЎММ<sub>254</sub>, ЎММ<sub>280</sub>, МДА/КА нисбати ортиши ва каталаза активлиги ва ОБК пасайиши билан характерланади.

Диссертациянинг «Бурун бўшлиғи хавфсиз қон томир ҳосилаларида комбинирланган даво самарадорлигини баҳолаш» деб номланган туртинчи бобида бурун бўшлиғи хавфсиз қон томир ҳосилалари билан оғриган беморларда, анъанавий ва комплекс давонинг клиник самарадорлигини қиёсий баҳолаш келтириб ўтилган.

Фақат анъанавий даво қабул қилган (қиёсий гуруҳ) беморларда даволашгача ва даволашдан кейинги клиник текширув натижалари 1.9-жадвалда келтирилган.

### 1.9-жадвал

#### Қиёсий гуруҳдаги беморларда даволашгача ва даволашдан кейинги клиник симптоматика

№	Клиник симптом	давогача N=20 n (%)	Жаррохлик усулда даволашдан кейин 7- кунда N=20 n (%)	Жаррохлик усулда даволашдан кейин 14- кунда N=20 n (%)	Жаррохлик усулда даволашдан кейин 21- кунда N=20 n (%)
1.	Бурун орқали нафас олиш қийинлиги	13 (65,0 %)	10 (50,0 %)	9* (45,0 %)	5** (25,0 %)
2.	Бурундан патологик ажралма	10 (50,0 %)	8 (40,0 %)	6 (30,0 %)	2* (10,0 %)
3.	Бош оғриғи	8 (40,0 %)	5 (20,0 %)	4* (20,0 %)	3 <sup>na</sup> (15,0 %)
4.	Бурундан қон кетиши	15 (75,0 %)	8 (40,0 %)	6 (30,0 %)	4* (20,0%)
5.	Бурунда ёт жисм сезгиси	7 (35,0%)	4 (20,0%)	2* (10,0 %)	0 <sup>na</sup> (0%)
6.	Умумий интоксикация	19 (95,0%)	18 (90,0%)	16 (80,0 %)	13* (65,0%)

*Эслатма:* \*- $p < 0.05$ .

Даволашнинг 7 кундан сўнг, бурун битиши - 10 (50,0 %) ҳолатда, ювиндисимон ва шиллик-йирингли ажралма келиши - 8 (40,0%) ҳолатда, бош оғриқлари - 5 (25,0 %) ҳолатда, бурун қонаши - 8 (40,0 %) ҳолатда, умумий интоксикация белгилари - 18 (90,0%) ҳолатда аниқланди. Анъанавий даво қабул қилаётган беморларда даволашнинг 21 кунига келиб, бурун битиши - 5 (25,0%) ҳолатда, ювиндисимон ва шиллик-йирингли ажралма келиши - 2 (10,0%) ҳолатда, бош оғриқлари беморларда бошқа аниқланмади, бурун қонаши - 4 (20,0%) ҳолатда ва умумий интоксикация белгилари - 13 (65,0%) ҳолатда аниқланди ( 1.9-жадвал). Даволанишдан кейин 21 кунга келиб эса 2 (10,0%) нафар беморда - рентгенограммада яллиғланиш жараёнига хос белгилар аниқланди.

Клиник-инструментал текширувлар билан бир қаторда, биз томонимиздан эндотоксикоз мезонлари ҳам ўрганилди, унинг анъанавий даводан кейинги натижалари 1.10-жадвал маълумотларидан кўринадик,

анъанавий даводан кейин 7-кунга келиб, МДА миқдори келган кундаги кўрсаткичга нисбатан сезиларсиз - 4,5% га пасайди.

### 1.10-жадвал

#### Анъанавий даво қабул қилган қиесий гуруҳ беморларда эндоген интоксикация кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	давогача N=20 n (%)	даволашни 7-кунида N=20 n (%)	даволашни 14-кунида N=20 n (%)	даволашни 21-кунида N=20 n (%)
МДА, мкмоль/л	6,51±0,73	6,22±0,81	5,83±0,65*	4,92±0,73**
КА, мккат/сек·л	0,29±0,11	0,32±0,11	0,40±0,12	0,51±0,16**
ЎВМ <sub>254</sub> , ш.б.	0,53±0,13	0,51±0,16	0,46±0,17	0,40±0,15
ЎВМ <sub>280</sub> , ш.б.	0,46±0,08	0,41±0,10	0,38±0,09	0,36±0,11
ОБК, ш.б.	0,91±0,05	0,93±0,07	0,98±0,06	1,01±0,08*
МДА/КФ, ш.б.	22,52±2,59	19,41±1,62	14,72±1,49*	9,31±1,09**

*Эслатма:* \*- $p < 0.05$

Шунингдек, худди шу фонда каталаза фаоллиги сезиларсиз - 10,3 %га ортди ва бунда назорат гуруҳ кўрсаткичидан сезиларли даражада - 63,2%га камроқ бўлди. МДА/КА нисбати 13,8 %га камайиб, бу назорат гуруҳ кўрсаткичидан эса 4,98 марта баландлигича қолди. Анъанавий даволашнинг 21-кунига келиб, МДА кўрсаткичи сезиларли ўзгариб 4,92±0,73 мкмоль/л.ни ташкил этди. Бунда МДА кўрсаткичи назорат гуруҳидаги ўртача МДА кўрсаткичидан сезиларли баланд бўлди, аммо даволанишгача бўлган кўрсаткич билан таққосланганда, статистик аҳамиятли фарқланиш кузатилди. Ушбу фонда каталаза фаоллиги 37,9 % га ортди ва назорат кўрсаткичини 45,9 %ни ташкил этди. МДА/КА нисбати 34,6 %га камайиб, назорат гуруҳидаги кўрсаткичдан 3,78 баробар баландлигича қолди.

Анъанавий давони 7-кунига келиб эндотоксикоз гидрофил компонентини маълум даражада тикланиши кузатилди, яъни ЎММ<sub>254</sub> концентрацияси даволашдан олдинги кўрсаткичга нисбатан бор-йўғи 3,8 % камайди. ЎММ<sub>280</sub> даражаси назорат кўрсаткичга нисбатан 1,41 баробар ортгани ҳолда, даволашгача бўлган кўрсаткичга нисбатан бор-йўғи 10,9%га камайди. Бунда ОБК назорат кўрсаткичга нисбатан 1.27 баробар паст кўрсаткичда қолгани ҳолда, даволашгача бўлган кўрсаткичдан биров - 2,2 %га ортди. Анъанавий даводан сўнг 21-суткада ЎММ<sub>254</sub> концентрациясини сезиларсиз тикланиши қайд қилинди. Ушбу кўрсаткич даволашгача бўлган кўрсаткичга нисбатан 13,2 %га камайди, бунда назорат кўрсаткичга нисбатан сезиларли даражада – 2 баробарга ортди. ЎММ<sub>280</sub> даражаси ҳам сезиларли даражада - 17,4 %га камайиб, назорат кўрсаткичдан 1.31 мартага ортди. Бунда ОБК даволашгача бўлган кўрсаткичга нисбатан 7,7 %га ортди. Таққослаш гуруҳидаги 7 (21,2 %) нафар беморда ББХҚЎ рецидивланиши кузатилди. Шундай қилиб, анъанавий даво ўрганилаётган кўрсаткичларнинг сезиларсиз бўлсада тикланишига олиб келди, яъни ЛПО жараёнларининг интенсивлиги ва ЎММ таркиби етарлича коррекция қилинмади, рецидивлар сони - 7 (35 %)

Бурун бўшлиғи хавфсиз қон томир ҳосилалари билан оғриган беморларда анъанавий даводан кейин қониқарли натижалар етарли эмаслиги, ушбу патологияни даволашда умумий қабул қилинган ёндошувларни такомиллаштиришни талаб этади. Бурун бўшлиғи хавфсиз қон томир ҳосилалари билан оғриган I гуруҳ беморларда, анъанавий усуллардан ташқари комплекс давога, полидекса дори воситаси (15 мл) ҳам киритилди – бу комбинирланган восита бўлиб, у 1гр (650000 МЕ) неомицина сульфат, полимиксин В сульфат (1000000 МЕ), дексаметазон натрий метасульфобензоат (0,025 г) ва фенилэфрина гидрохлорид (0,250 г) дан ташкил топади.

Полидекса дори воситаси беморларга спрей кўринишида операциядан кейинги даврнинг дастлабки 5 кунда эндоназал усулда кунига 5 марта ва кейинги 5 кунликда кунига 3 марта, умумий ҳисобда 10 кунлик даво курси билан буюрилади.

### 1.11-жадвал

#### А гуруҳ беморларда (АД+полидекса) даволанишгача ва даволанишдан кейинги клиник симптоматика

№	Клиник белги	давогача N=25 n (%)	даволашни 7-кунда N=25 n (%)	даволашни 14-кунда N=25 n (%)	даволашни 21-кунда N=25 n (%)
1.	Бурун орқали нафас олиш қийинлиги	20 (80,0 %)	9 (36,0 %)	3* (12,0%)	2** (18,0 %)
2.	Бурундан патологик ажралма	13 (52,0 %)	4 (16,0 %)	2 (8,0 %)	0* (0 %)
3.	Бош оғриғи	12 (48,0 %)	4 (16,0 %)	1* (4,0 %)	0 (0 %)
4.	Бурундан қон кетиши	20 (80,0 %)	11 (44,0 %)	9 (36,0 %)	5* (20,0 %)
5.	Бурунда ёт жисм сезгиси	11 (44,0 %)	4 (16,0 %)	1* (4,0 %)	0 (0%)
6.	Умумий интоксикация	25 (100,0 %)	20 (80,0 %)	8* (32,0 %)	5** (20,0%)

*Эслатма:* \*- $p < 0.05$ .

